



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «ЎЗБЕКПАКСАНОАТ» УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада пиллачиликнинг озуқа базасини жадал ривожлантириш, ипак куртини парвариш қилиш ва пилла етиштириш жараёнларини узлуксиз такомиллаштириш, пилла, хом ипак, ипак калава ишлаб чиқариш ва уларни чуқур қайта ишлашнинг самарали усулларини кенг жорий этиш, ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини оширишни таъминлайдиган ягона ва яхлит ташкилий-технологик тизимни барпо этиш асосида пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодийёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекнеғилсаноят» акциядорлик жамияти, тижорат банклари ва пиллачилик тармоғи ташкилотларининг «Ўзбекипаксаноят» уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин, унинг таркибига қуйидагилар кириди:

тижорат банклари ва пиллачилик тармоғи ташкилотлари муассислигида янгидан ташкил этиладиган «Ипаксаноят» минтақавий жамиятлари — «Жанубипаксаноят», «Шимолпаксаноят», «Марказипаксаноят», «Водийипаксаноят» ва «Тошкентипаксаноят» масўулияти чекланган жамиятлари;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар «Пилла» худудий бирлашмалари неғизида ташкил этиладиган худудий «Агропилла» масўулияти чекланган жамиятлари;

туман ва туманлараро «Пилла» масўулияти чекланган жамиятлари неғизида ташкил этиладиган туман «Агропилла» масўулияти чекланган жамиятлари;

ипак курти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани қайта ишлаш ҳамда ипак газламалар ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ташкилотлар.

2. Қуйидагилар «Ўзбекипаксаноят» уюшмасининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

а) озуқа базасини такомиллаштириш бўйича:

тармоқнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, тут қаторлари ва тутзорларни кенгайтириш мақсадида сўғориладиган ер майдонлари ажратиш бўйича тегишли давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

ипак курти парвариш қилинмайдиган даврларда пиллахоначалар ва тутзорларда иккиламчи фаолиятни амалга ошириш ҳисобига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш, уларни ички ва ташқи бозорларда сотиш;

б) ипак курти уруғи ва пилла етиштириш, тайёрлаш ва бирламчи қайта ишлаш бўйича:

Уюшма таркибига кирувчи ташкилотларга ипак куртининг юқори маҳсулдор зотларини яратиш, парвариш қилиш ва сифатли уруғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда қўмаклашиш; республика худудлари бўйича пилла етиштиришнинг прогноз ҳажмларини белгилаш, пилла тайёрлаш ва қайта ишлаш ташкилотлари бўйича пилла етиштириш учун буюртмаларни жойлаштириш;

сифатли пилла етиштириш ва тайёрлаш, уни дастлабки қайта ишлаш, хом ипак ва ипак калава ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилишни ташкил этиш;

в) пиллани чуқур қайта ишлашни ташкил этиш бўйича:

ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва унинг сифатини янада яхшилаш, унинг энг хариддоригир турлари ва дизайнини ўзлаштириш, тармоқ маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертифицирлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этишга доир ишларни самарали ташкил этиш;

маҳсулот сотиш бозорларини кенгайтириш бўйича маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, ипак маҳсулотлари нархини шакллантиришнинг мақбул механизмни яратиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда тайёр ипак маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш;

г) тармоқни жадал ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш бўйича:

пиллачилик тармоғини ривожлантириш борасида қабул қилинган дастурий чора-тадбирлар амалга оширилишини мувофиқлаштириш, ягона илмий-техник, технологик, инвестициявий ва экспорт сиёсатини изчил юритиш ҳамда ички ва ташқи бозордаги нархлар мониторингини олиб бориш;

норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, имтиёз ва енгилликлар бериш, халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг маблағларини жалб қилиш орқали Уюшма таркибига кирувчи ташкилотларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига қўмаклашиш;

Уюшма таркибига кирувчи ташкилотлар манфаатларини қўлаб, давлат божини тўламасдан судга даъво аризалари тайёрлаш ва тақдим этиш ҳамда давлат органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки:

«Ипаксаноят» минтақавий жамиятлари ва пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари «Ўзбекипаксаноят» уюшмасининг муассислари ҳисобланади;

«Bukhara Brilliant Silk» масўулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонаси ҳамда Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари «Жанубипаксаноят» масўулияти чекланган жамиятнинг муассислари ҳисобланади;

«Асакабан» АТБ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари «Шимолпаксаноят» масўулияти чекланган жамиятнинг муассислари ҳисобланади;

«Агробанк» АТБ ҳамда Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятларида жойлашган пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари «Марказипаксаноят» масўулияти чекланган жамиятнинг муассислари ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида жойлашган пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари «Водийипаксаноят» масўулияти чекланган жамиятнинг муассислари ҳисобланади;

«Ўзсаноятқурилишбанк» АТБ ҳамда Тошкент ва Сирдарё вилоятларида жойлашган пиллачилик тармоғининг бошқа ташкилотлари «Тошкентипаксаноят» масўулияти чекланган жамиятнинг муассислари ҳисобланади.

4. «Ўзбекипаксаноят» уюшмасининг ташкилий тузилмаси, унинг бошқарув ходимларининг чекланган соғи 40 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси ҳамда «Ипаксаноят» минтақавий жамиятларининг намунавий тузилмаси 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзбекипаксаноят» уюшмаси раисига, зарурат бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий соғи доирасида ижро этувчи аппаратининг тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбекипаксаноят» уюшмасининг раиси ва унинг ўринбосарлари муассислар умумий йиғилишининг қарори билан сайланади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тасдиқланган ҳамда мақомига қўра тегишли равишда вазир ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

«Ўзбекипаксаноят» уюшмаси ижро этувчи аппарати ва «Ипаксаноят» минтақавий жамиятларининг жорий таъминоти ва фаолиятини молиялаштириш уларнинг таркибига шартнома асосида кирувчи пиллачилик тармоғи ташкилотларининг ажратмалари ҳамда

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

6. «Ўзбекипаксаноят» уюшмаси ва «Ипаксаноят» минтақавий жамиятларини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни мувофиқлаштириш ва уларни амалга оширишга қўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) 4-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодийёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда 2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс равишда янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклансин.

Ишчи гуруҳ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда қуйидаги устувор вазифаларга эътиборни қаратсин:

Уюшма ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, пиллачилик соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш; янги тутзорларни барпо этиш, тут қаторларини кенгайтириш ва мавжуд тутзорларни модернизация қилиш орқали пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

ипак курти уруғининг маҳсулдор зотларини яратиш ва жорий этиш, импортни қисқартириш ва келгусида республиканинг ички эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш мақсадида уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини босқичма-босқич ошириб бориш;

пилла етиштириш ва тайёрлаш ҳажмларини босқичма-босқич кўпайтириш, сифатини янада яхшилаш, ипак куртининг маҳсулдорлигини ошириш; пиллага дастлабки ишлов беришнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини хатловдан ўтказиш, ушбу тизимни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

пиллачилик тармоғи ташкилотларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун кўмир, полиэтилен, полипропилен, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида, тартибга солинадиган нархлар бўйича ажратиш орқали белгиланган тартибда моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ҳамда пиллачилик тармоғининг ҳўжалик юритувчи субъектларини электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш;

сифат менежментининг замонавий усулларини, тайёр маҳсулотнинг хариддоригир турлари ва тайёрийни кенг жорий этиш, унинг халқаро талабларга мувофиқ сертифицирлаштирилиши ва стандартлаштирилишини таъминлаш; кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, олий таълим муассасаларида пиллачилик тармоғи учун кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш ва янгиллаш.

7. 2023 йил 1 январгача:

ипак курти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлаш, тайёр ипак маҳсулотлар ҳамда пиллачилик тармоғи учун ёрдамчи материалларни (суғий пилла ўраш дасталари) ишлаб чиқаришдан олинмайдиган даромадлар — юридик шахсларнинг ягона солиқ тўловини тўлашдан;

«Ўзбекипаксаноят» уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотлар ҳамда ипак курти уруғини ишлаб чиқариш, пиллани тайёрлаш ва қайта ишлаш ташкилотлари томонидан олиб келинадиган пилла йиғирини ва ипак газлама тўқиш дастохларининг эҳтиёт қисмлари, тут дарахти қўчатлари, ипак куртининг суперэлита, элита ва саноят уруғлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмайдиган рўйхат бўйича божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин;

уй шароитида тирик пилла етиштириш билан шуғулланувчи (касана)лар

— жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи тўлашдан озод этилсин;

пилла етиштирувчи ташкилотлар — пилла етиштириш билан шуғулланувчи касаначилар ва бошқа ишчи-пиллакорлар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағлари бўйича ягона ижтимоий тўловдан озод этилсин ва бундан бўшаган маблағлар касаначилар ва ишчи-пиллакорларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлигининг пиллачилик, пиллачилик тармоғи ишчилари ва тирик пилла етиштириш билан шуғулланувчи касаначиларни қонун ҳужжатларида тасдиқланган тўлиқ бир мавсум ишланган даврлари уларга пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноятнинг мавсумий тармоқлари рўйхатига киритиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Ўзбекипаксаноят» уюшмасининг буюртманомаларига қўра пиллачилик тармоғида ишлашга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божини ўндиримасдан кўп мартибалы визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ўзбекипаксаноят» уюшмасининг буюртманомаларига қўра пиллачилик тармоғида ишлашга жалб этиладиган хорижий мутахассисларга давлат божини ўндиримасдан кўп мартибалы визалар берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги «Ўзбекипаксаноят» уюшмасининг буюртманомаларига қўра пиллачилик тармоғида ишлаш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақдирда) Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномалар беришни (узайтиришни), шунингдек, кўрсатиб ўтилган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

12. «Ўзбекипаксаноят» уюшмасига Уюшма аъзоларининг манфаатларини қўлаб судга даъво аризаларини тақдим этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ўзбекипаксаноят» уюшмасини белгиланган тартибда телекоммуникация тармоқларига, жумладан, ҳукумат алоқасига улашни таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Тошкент шаҳри ҳокимлиги «Ўзбекипаксаноят» уюшмасини жойлаштириш учун Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Исмоил ота Кўчасидаги 1-а уйдан ижара ҳақи бўйича «ноль» ставкасини белгиланган ҳолда зарур майдон ажратсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Маъмур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «ГАЗПРОМ» КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 март куни мамлакатимизга амалий таширф билан келган Россиянинг «Газпром» компанияси бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қўтлар экан, мамлакатларимиз ўртасида нефть-газ соҳасида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик юксак даражада ривожланиётганини мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда дунёдаги етакчи энергетика компанияларидан бири бўлган «Газпром» Ўзбекистонда геология-қидирув ишларини олиб бориш ва истиқболли углеводород қонларини ўзлаштириш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, табиий газни экспортга етказиб беришда фаол иштирок этмоқда.

Россиянинг ушбу компанияси билан ҳамкорликда Устюртда ўтказилган кенг қўламли геология-қидирув тадқиқотлари натижасида «Жел» газ конденсати қони очилди. «Шахпахти» қони биргаликда ўзлаштирилмоқда. Ҳозиргача у ердан 3,5 миллиард куб метр газ қазиб олинган.

Бундан ташқари, «Газпром» Ҳисор худудида қонларни ўрганиш ва ўзлаштириш, қўшимча нефть газларини утилизация қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг тармоқдаги етакчи лойиҳа институти бўлган «ЎзЛити-нефтьгаз» фаолиятини ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга оширишда ҳам иштирок этмоқда.

Учрашувда Ўзбекистонда нефть-газ соҳасини ривожлантириш, жумладан, 2017-2021 йилларда углеводород қазиб олишни кўпайтириш дастури доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган истиқболли лойиҳалар қўриб чиқилди.

Мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

«Газпром» компанияси бошқаруви раиси Алексей Миллер Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ва ҳамкорликдаги лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди, Ўзбекистон Республикаси билан кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



Сенатор ШОТЛУГАНОВ олган суратлар.

2017 йил 29 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўзининг давом эттирди.

Сенаторлар ишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини эшитишдан бошлади.

Ҳисоботда қайд этилганидек, 2016 йилда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ҳамда давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида прокуратура органлари томонидан катта ишлар амалга оширилди.

Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ижро этилиши, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури, Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, Инвестиция дастури бажарилиши мунтазам назорат қилиб борилади.

Ҳисобот йилида тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилиш прокуратура органлари фаолиятининг

энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлди. Тадбиркорларнинг, шу жумладан, тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан 43 мингдан ортиқ тадбир ўтказилди. Назорат тадбирлари давомида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари бузилган 19 752 та ҳолат, шу жумладан, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашилган 129 та ҳолат, ноқонуний текширув ўтказилган 54 та ҳолат, ноқонуний қарорлар қабул қилинган 1 657 та ҳолат, ортиқча йиғимлар ўндирилган 657 та ҳолат, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишда қонун ҳужжатлари бузилган 887 та ҳолат аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича прокуратура томонидан тегишли чоралар қўрилди.

Солиқ ва валюта жиноятларига ҳамда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича муайян ишлар бажарилди. 832,7 миллиард сўмлик солиқлар ва тўловларнинг қўшимча ҳисоблангани таъминланди, валюта соҳасида 771 та ҳуқуқбузарлик аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 29 март

Ш.МИРЗИЁЕВ



## Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорини чуқур ҳаяжон билан кутиб олдик.

## ХАЛҚИМИЗНИНГ ФИДОЙИ ФАРЗАНДИГА ЭҲТИРОМ

Юксак маънавиятли халқ ўз тарихий хотирасини асраб-авайлайди. Аждоллари ҳақидаги ҳақиқатларни кейинги аждолларига бекаму қўст етиб бориши учун курашади.

Атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов билан бирга ишлаш, у кишининг назарига тушиш бахтига мен ҳам муяссар бўлганман. Шароф ака инсон қалбига йўл топишга алоҳида эътибор берар эди.

Қалбга йўл маърифатдан бошланади. Маънавиятли инсон кимга, нима ҳақда, қачон, қасрда, қандай ийтишни билди ва амал қилади, шу аснода обрў қозонади, эътиборга тушади. Шароф акада сўзлаш, тинглаш, англаш маънавияти юксак даражада эди.

Шароф Рашидов аждолларимиз меросини яхши билар ва маънавий қадриятларимизни асраб-авайлашга ҳаракат қиларди. Маҳаллий ёшларга ўзгача меҳр қўрсатар эди. Ёш бўлишимга қарамай Қашқадарё вилоятининг тоғли Деҳқонобод туманига биринчи раҳбар қилиб юборган эди. Эсимда, бир йили Деҳқонобод туманига келиб, йиғилиш қилди. Ундан кейин мени ҳам ўзи билан бирга Ғузор ва Қамаш туманларига олиб бориб, у ердаги раҳбарлар билан учрашувлар ўтказди. Шундан сўнг у киши тушундиғизми, деб савол

берди. Ҳозир англашимча, бу савол инсонлар билан мулоқот ва одоб-ахлоқ тўғрисида экан. У кишининг республикаимизга раҳбарлик даврида жуда катта бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари олиб борилди. Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрида метро қурилди. Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий номи билан аталадиган вилоят ташкил этилди. Адабиёт соҳасида ҳам у киши самарали ижод қилди. Бир қатор иқтидорли ёшларнинг етишиб чиқишига муносиб ҳисса қўшди. Буларга мисол сифатида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовларни кўрсатиш мумкин. Абдулла Орипов касал бўлиб қолганида у киши Москвага таниқли шифокор, академик Чазовга шахсан телефон қилиб ёрдам беришини сўраган экан. Ўшанда таниқли шифокор шоирга Шароф Рашидов сизнинг қариндошингиз бўладими, деб савол берган экан.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарор ёшларимизнинг тарихий хотирасини мустаҳкамлаш, миллий маънавиятимизни юксалтиришга хизмат қилади.

**Январ ИНОЯТОВ,**  
«Нуроний» жамғармаси  
Қашқадарё вилоят бўлими  
раиси, вилоят Кенгашидаги  
ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган.

## МАМЛАКАТИМИЗ ЭНЕРГЕТИКА САЛОҲИЯТИ: ИМКОНИАТ ВА ИСТИҚБОЛ

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмиталари томонидан «Ўзбекистонда энергетика салохиятидан самарали фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболлари» мавзuida ташкил этилган конференцияда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, вазирлик ва идоралар вакиллари, соҳа экспертлари ҳамда олимлар иштирок этган тадбирда соҳани ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Мамлакат иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергетик ресурсларга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида электр станцияларида табиий ресурслардан фойдаланиш коэффицентининг мавжуд кўрсаткичларини яхшилаш билан бир вақтда янги қувватларни ишга тушириш, қайта тикланувчи энергия манбалари имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқаришни

2030 йилгача 40 фоизга ошириш белгиланган.

Энергетика соҳасининг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида», «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонунлари ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, «Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини парламент қўйи палатаси муҳокамасига киритишни жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Қайд этилганидек, энергия ҳосил қилувчи бирламчи ресурслар бозорига давлат мулкчилигига асосланган тизим билан бир вақтда хусусий мулкчиликни ҳам фаол жалб этиш зарур. Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда энг қўйи истеъмолчиларни ҳам қамраб олиш бўйича тизимли дастурларни амалга ошириш, соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини кенгайтириш бўйича иқтисодий асосланган чора-тадбирларни амалиётга жорий этиш йўналишида ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

**Б.БОЗОРОВ,**  
ЎЗА мухбири.

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИГИ

долзарб аҳамиятга эга



**Маълумки, партиямиз Дастурида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёрдамга муҳтож қатлам манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шунга мувофиқ, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш, қўллаб-қувватлашга муҳтож фуқаролар билан елкама-елка туриш фаолиятимиз асосини ташкил этмоқда.**

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши, шаҳар ва туман кенгашлари томонидан «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акцияси жойларда юқори савияда ўтказилди. Тадбирлар давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, кам таъминланган, ногирон, касалманд, ёлғиз яшовчи, боқувчисидан айрилган кишилар ҳолидан хабар олинди. Мазкур акция давомида 400 дан ортиқ хонадонга кириб борилди. 208 та кам таъминланган, 85 нафар боқувчисини йўқотган ёлғиз яшовчи қариялар ва етим қолганлар, 78 нафар ногиронлар ва касалманд кишилар, 35 нафар кексалар, меҳнат фахрийлари маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Асосийси, ташкил этилаётган тадбирлардан аҳоли вакиллари гоёт мамнун.

Бандлики таъминлаш, касб-хунар коллежи битирувчилари учун ўринлари ташкил этиш бугунги долзарб масалалардан ҳисобланади. Партиямиз Сайловолди дастурида ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб, партиямиз Марказий Кенгашининг пленуми, Ижроия қўмитаси қарорлари ҳамда йиллик иш режада белгилаб берилган вазифаларга асосан маҳаллий

партия ташкилотлари ва депутатлар томонидан кенг қўллаб-қувватлаш борилмоқда.

Партиямизнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида ўтган йил учун 15 масала белгиланган бўлиб, йил давомида 14 масала депутатлик гуруҳларида, 9 масала доимий комиссия йиғилишларида, 5 масала сессияда кўриб чиқилди. Ҳаракат дастуридан ташқари, 10 масала партия гуруҳларида, 8 масала доимий комиссия йиғилишларида, 4 масала сессияда муҳокама этилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши кўрсатмасига биноан Қорақалпоғистон Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган жадвалга асосан ҳар ойда иқтисод, тўғри ҳал қилиш, кенгашларига чиқиб, уларнинг иш фаолияти ўрганилиб, амалий ёрдам бериляпти. Шунингдек, жойларда Кўчма жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиляпти.

Қорақалпоғистон Республикаси, туман ва шаҳар кенгашлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларни ўз вақтида ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан қўммунал соҳа бўйича 55, ер олиш масаласи бўйича 26, иш билан

таъминлашни сўраб 48, моддий ёрдам сўраб 102, соғлиқни сақлаш соҳасига оид 7, таълим соҳасида 2, банк кредит масаласи бўйича 35 ва бошқа масалалар бўйича 45 мурожаат тушди. Уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Партия ўзи илгари сураётган позицияни мустаҳкам туриб ҳимоя қилса, одамлар унинг айтаётган сўзига қулоқ солади, ишонади, ортидан эргашади. Ўтган йили партиямиз сафига 2241 нафар аъзо қабул қилинди, шундан 942 нафарини аёллар, 1307 нафарини ёшлар ташкил этади. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича партия аъзоларининг умумий сони қарийб 33 минг нафарга етди.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Ўтган йили ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори томонидан турли лойиҳалар, тарғибот ойлари доирасида 250 га яқин тадбир ўтказилди. Натижада 1307 нафар фаол ёшлар партиямиз сафига қабул қилинди. Тадбирларимизда маъруза ўқишдан буткул воз кечиб, ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш масалаларига эътиборни кучайтиришни режалаштирдик.

Жорий йил бошида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилишини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида фаолиятимизни сарҳисоб қилиб, амалий ишларни янада кучайтириш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб олдик.

Шу йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисидаги қарори ижроси ҳақидаги масала Қўнғирот туман Кенгашининг сессиясида кўриб чиқилди. Туманинг жорий йилга белгиланган бюджет параметрларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала Чимбой туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи ва тегишли доимий комиссияда кўрилиб, сессия кун тартибига киритилди.

2017 йил февраль ойида халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳларида

мажлислар ўтказилиб, Ҳаракат дастури бўйича 2 масала депутатлик гуруҳида кўрилган.

Президентимизнинг тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорининг бажарилиши ҳақидаги масала халқ депутатлари Шуманай ва Тўртқўл туман Кенгашлари доимий комиссияларида муҳокама қилинди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорининг ижроси билан боғлиқ масала Қонлиқ туман Кенгашидаги партия гуруҳида кўрилди.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари аъзолари томонидан ижро ҳокимияти органлари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларига шу кунгача 10 депутатлик сўрови юборилди. Уларнинг қандай натижа бериши назоратга олинди.

Ханмамизга маълумки, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида ижтимоий соҳани ривожлантириш белгиланган. Бунда аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалалари бўйича муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Демак, ижтимоий соҳадаги ислохотлар янада кенгайди, одамларнинг турмуш даражасини ошириш бўйича ишлар қўлами ошади.

Бизнинг олдимизда ҳам масъулиятли вазифалар турибди. ЎзХДП ташкилотлари маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари аъзолари билан ҳамкорликда ушбу муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш бўйича тарғибот ишларини изчил йўлга қўйиш, унинг ижросида ҳар биримиз фаол қатнашимиз талаб этилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, бирон бир оилга кам таъминланган, деган иборани ишлатмаслигимиз учун уларнинг яшаш шароитини яхшилашимиз, жумладан, пенсиянерлар, ногиронлар ва бошқа ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларнинг муаммоларини ҳал қилиб, фаоллигини оширишимиз зарур.

**Халилла ЕШИМБЕТОВ,**  
Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси.

ЎзХДП ташаббуси билан

# Меҳр-мурувват кўрсатилмоқда

**Ўзбекистон ХДП фаоллари пойтахтимиздаги имконияти чекланган кишилар, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиши ҳақида эшитиб, биз ҳам уларга ҳамроҳ бўлдик.**

Мамлакатимизда имконияти чекланган аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди. Уларнинг соғлигини тиклаш, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини ҳис қилиб яшаш учун қулай шароит яратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки улар қўмакка, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга кўпроқ эҳтиёж сезади. Ҳамма қатори мазмунли, бахтли яшашга интилади.

Дастлаб Чилонзор туман партия кенгаши «Охунжон шифо-фарм» ходимлари билан биргаликда «Навбахор» маҳалласида истиқомат қилаётган имконияти чекланган кишилар хонадониди бўлишди. Хусусан, Гултожи Ибрагимова, Эркин ва Солиҳа Норматовлар хонадонларида дилдан суҳбат қуришди.

— Жисмоний имконияти чекланганларнинг кўнгилни кўтариш уларга руҳан мадад беради, ҳаётга қизиқишини оширади, — дейди

**ЎзХДП Чилонзор туман кенгаши раиси Доно Махмудова.** — Ҳуқуқий

демократик давлат, одил фуқаролик жамиятида аҳоли барча қатламларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг орзу-ниятларини рўйбга чиқариш асосий мақсад ҳисобланади. Хайрия тадбирлари давомида бунга яққол амин бўлдик. Одамлар билан дилдан суҳбатлашиб, қизиқишлари, ниятлари ҳақида сўрадик. Муаммоларга биргалашиб ечим топишга ҳаракат қилдик. Кўнгил сўраш билан бир қаторда зарурий дори-дармон воситаларини бердик.

Шу кунги Тошкент шаҳар партия кенгаши фаоллари ҳам Серғели туманидаги эҳтиёжманд инсонлардан кўнгил сўрашди.

Шоҳиста Юнусованинг хонадонига кириб борганимизда китоб жавонига қўзимиз тушди. Хонадон соҳибасининг китобга меҳри бўлакча экан, деб ўйладик. Китоблар ҳақида сўраганимизда, юзидан нур ёғилиб турган онадон қизининг қизиқишлари ҳақида сўзлай бошлади.

— Қизим китоб ўқишни жуда яхши кўради, улар билан овнади, — дейди онахон.



— Лайло соғлиги сабабли ҳамма қатори мактабга бора олмади. Ўйда таълим ола бошлади. Кейинчалик қизим мактабда ўқишини хоҳладим, ҳозир ҳар кун мактабга ўзим олиб бораман.

Қизингиз учун уй шароитида таълим олиш қулай эмасми, қийналмадингизми, дея сўраганимизда, қизим тенгдошлари билан мулоқот қилишни, атрофдаги ўзгаришларни кўришни истидим, деган жавобни олдик. Онахон қизининг барча қатори ҳаёт кечиршини истганини тушундик.

ЎзХДП фаоллари шу мавзёда истиқомат қилувчи

Гулалас Синдорованинг ҳолидан ҳам хабар олишди. Опанинг уйи саранжомсаришта. Қиз боланинг қўли борлиги сезилиб турарди. Дераза тоқчасидаги қатор, турфа хил гулларни кўриб, дилимиз яйради.

— Икита қизим бор, — дейди она. — Каттаси бу йил коллежни тамомлайди. Кичиги эса академик лицейда ўқийди. Иккаласи ҳам илмга чанқок. Улар билан фахрланаман. Ҳозир қизларимга тикувчиликни ўргатайман. ЎзХДП фаоллари оилавий тадбиркорлигимизни бошлашимиз

учун керакли маслаҳатларини берди. Амалий ёрдам кўрсатишимиз айтиди. Насиб этса, қизларим билан бирга тикувчилик цехини очиб ниятимиз бор. Уларнинг ҳам илми, ҳам хунари бўлишларини орзу қиламан. Дунёдаги барча оналар сингари болаларимнинг бахту саодатини кўрай, дейман.

Суҳбатдошларимизнинг орзулари катта, ирода ва матонатлари мустаҳкамлиги уларнинг сўзларидан билиниб турарди.

**Махлиё АЛИҚУЛОВА**

Қорақалпоғистон Республикаси, туман ва шаҳар кенгашлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларни ўз вақтида ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

# КИТОБ — САДОҚАТЛИ ДЎСТ,

дўстни эса сотиб бўлмайди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Гулора Раҳимова

Таниқли санъаткор илк бора китоб билан дўст тутишган даврларини шундай эслайди:

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда кўшиқ айтардим. Юқори синфларда ҳаваскорлар ўртасида ўтказилган кўрик-танловларнинг вилоят ва республика босқичларида фахрли ўринларни эгаллаганман. Оғир йиллар эди, чўнтагимиз қутқуруқ. Урганч ёки Тошкент шахрига борганимизда, отам берадиган уч-тўрт сўмга қизлар қизикадиган бирор зеб-зийнат эмас, китоб олардим. Китоб билан айрилмас дўст тутишимиз талаблик йилларимда бошланган. Урганчдаги педагогика институтини ўқиганимда, ҳар ойда қўлимга тегадиган стипендиянинг ҳаммасига китоб олардим...

Шу тахлит ўтган ярим аср давомида унинг шахсий кутубхонасидаги китоблари сони ўн мингдан ошди. Гарчи у алоҳида ҳовлида эмас, икки қаватли турар жойда турса-да, хоналарнинг деворига ўрнатилган жавонларга мавзусига қараб тартиб билан терилган китобларни кўриб, ҳайратга тушасиз. Ҳавасингиз келади.

— Турмуш ўртоғим ҳам китобсиз ҳаётини тасаввур қилолмасди. Раҳматли бир умр китоб тўплашда ёрдам берди. У кишини кўпроқ техникага оид китоблар, қўлланмалар қизиқтирарди. Кейинчалик ўғлим ва қизим ҳам китобга қизикди...

Хоналарни айланамиз. Жавонлар узундан-узун. Бунинг устига, улар полдан шифта қадар бўлганидан излаган китобимизни топиш осон кечмайди. Шу боис қайсидир адибнинг асарлари бор-йўқлигини сўраймиз. «Ана, тўрдаги жавоннинг тўртинчи қаторида», деб опа дарров бизни шу ерга бошлаб боради. Ўн минг нуска китобнинг ҳар бири қайси жавонда, қайси қаторда турганини бу қадар тезкор ва аниқ айтиш осон эмас. Бу аввало қўвави ҳофизага боғлиқ, қолаверса, бу китоблар шунчаки ҳашам ва чирой учун териб қўйилмагани, хонадон соҳиби бу китобларни мунтазам ўқиб боришдан дарак.

Китоб саҳнада ва кинода ролларни маромига етказиб ўйнашда кўмакчи, маслаҳатчи бўлганини у шундай ҳикоя қилади:

— Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги фильмда машҳур саркарданинг онаси ролини ижро қилганман. Ўшанда мўғулларга қарши курашган саркарданинг оназори сиймосини яратиш осон кечмаган. Бунинг учун ўша даврга оид ўнлаб тарихий асарларни қайта-қайта ўқишимга тўғри келган. Бунда шу китобларнинг аксари ўзимда борлиги юмушларимни осонлаштирди.

Гулора Раҳимова Хоразм вилоят мусикали драма театрида икки юздан ортиқ турли образларни маромига етказиб ижро қилган, театр мухлислари олқишларига сазовор бўлган. Айни пайтда мумтоз кўшиқларнинг моҳир ижрочиси ҳам. Киноларда яратган образлари ҳам оз эмас.

У таниқли саҳна устаси бўлиб етишишида табиий иқтидордан ташқари, китоблар ҳам катта роль ўйнаганини алоҳида таъкидлайди.

Бугун у умри давомида тўплаган китоблардан фарзандлари, кўни-қўшнилари фойдаланишарди.

— Бундан беш-олти йил олдин ўша пайтдаги шаҳар ҳокимининг



ёнига бордим. Бир-икки сотих ер ажратиб беришини сўрадим. Шахсий кутубхонам учун илҳам бино курсам, ундан ҳамма баҳраманд бўлса, деган тақлифни айтдим. Шунда у: «Кўйинг, бу ташвишларни. Чикариб, сотиб юборинг!» деса бўладими? Индамай қайтдим, — дейди опа таассуф билан.

Айтганча, вилоят мусикали драма театрида бўлганимизда, опанинг хонасида жавонга терилган китобларга кўзимиз тушган эди. Опа ҳатто шу мўъжаз хонада ҳам кичкина кутубхона ташкил қилган экан.

Опа умр бўйи тўплаган ва ҳозирда ҳам мунтазам равишда излаб, топиб, харид қилиб кутубхонасини бойитаётган китобларнинг аксари — бадий асарлар.

Санъат соҳасига, театр тарихи, касб маҳорати оид китоблар, қўлланмалар ҳам оз эмас.

Ўтган йили вилоят марказида йирик «Букинист» китоб дўкони ишга туширилди. Бу ер ҳаммаша харидорлар билан гавжум. Эски, нодир китобларни излаб келганлар қанча...

— Бу китоб дўкони очилгани зўр бўлди. Менга ҳам китобларимни топширишни, сотиб беришларини тақлиф қилишди. Аввалида майли дедим, аммо уйга келиб, китоб жавонимдан сотилиши мумкин бўлган китобларни излаб топполмадим. Бу китоблар мен учун қадрдон. Садоқатли дўст мисоли. Дўстни эса сотиб бўлмайди...

Рўзимбой ҲАСАН,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Ижтимоий муҳофаза

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Самарқанд вилоят ногиронларни реабилитация қилиш марказида даволаш-соғломлаштиришнинг янги усуллари жорий этилган бўлиб, тиббий-ижтимоий реабилитация хизматларини янада яхшилашга доимий эътибор қаратилмоқда.

## РЕАБИЛИТАЦИЯ: СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК

— Ногиронларни ижтимоий муҳофаза ва реабилитация қилиш масаласи барчамиздан алоҳида ёндашувни, масъулиятни талаб қилади, — дейди марказ директори Давронбек Жуманиёзов. — Илгари мазкур муассасага тиббиётда бир марта ишлатиладиган буюмлар марказлаштирилган ҳолда келтирилмас эди. Ҳозир бундай ҳолга чек қўйилди. Бир қатор керакли мутахассислар учун янги штатлар жорий этилиб, тажрибали шифокорлар жалб этилди.

Марказдаги муҳим янгиланган бири — яқинда олиб келинган замонавий тиббий ускуналар ёрдамида йирик бўғимлар касаллигини янги усулда даволашга ўтилди. Бундан ташқари, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобида яна бешта замонавий тиббий ускуна харид қилиниши натижасида марказ физиотерапия бўлими тўлиқ янгиланди.

Марказ ўтган йили Япония элчихонасининг кичик ҳажмдаги бераз ёрдам дастуридаги грантни қўлга киритди. Бунинг эвазига 109,5 минг АҚШ долларига саккизта замонавий тиббий аппарат олиб келинди. Ҳозир бу ерда озонотерапия, игнатерапия, оксигенотерапия

сингари ноанъанавий даволаш усуллари кенг қўлланилماпти.

Марказда яратилган шарт-шароитлар ҳақида беморларнинг фикрларига қулоқ тутдик:

**Ойша Турдикулова,**  
**Пастдарғом тумани:**

— Бир муддат шу марказда даволанишимга тўғри келди. Яратилган шарт-шароитлар менга маъқул. Айниқса, врачлар ва ҳамшира Мастура Ибодованинг муомаласи, иш услуби ёқди. Улардан миннатдорман.

**Сабоҳат Жабборов,**  
**Ургут тумани:**

— Шифокорлар замонавий тиббий жиҳозлардан жуда усталик билан фойдаланишарди. Бу ердан жуда кўп беморлар, ногиронлар шифо топиб кетишарди.

**Умида Самадова,**  
**Самарқанд шаҳри:**

— Врачлар Фарҳод Ботиров ва Ўқтам Эшонкулов, ҳамшира Санобар Сувоновалардан жуда миннатдорман. Улар менинг соғлиғимни тиклаш йўлида жон қуйдиришди. Биз учун шунчалик шарт-шароитларни яратётган давлатимизга раҳмат.

Абдурашул САТТОРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Футбол

# БАБАЯННИНГ ИСТЕЪФОСИ

ҳақидаги гапларни йўққа чиқарган галаба



Фотурх АЛИЕВ олган сурат.

2018 йилда Россияда ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 28 март куни «Бунёдкор» стадионида Қатар терма жамоасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида галаба қозонди.

Уйиндаги ягона гол 66-дақиқада киритилди. Игорь Сергеевга нисбатан ишлатилган қўполликдан сўнг ҳакам рақиб дарвозаси томон жарима белгиларди. Тўп ёнига яқинлашган Одил Аҳмедов кучли зарба йўллаб, ҳисобни очди.

Энди терма жамоамизни сафарда Эрон ва Хитойга қарши ўйин кутиб турибди. Охири турда ўз майдонимизда Жанубий Кореяни қабул қиламиз.

Мана шу ўйинларда максимал натижа қайд эта олсак, жаҳон чемпионатида иштирок этамиз.

**Самвел БАБАЯН,**  
**Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи:**

— Бугунги ўйинда галаба қозонишимиз жуда муҳим эди. Учрашув оғир кечди. Рақиб яхши ҳимояланди. Биз ўйин суръатини ўзгартиришга ҳаракат қилдик ва юзага келган имкониятдан унумли фойдаландик. Бизни қўллаб турган ишқибозларга раҳмат. Бугунги галабада уларнинг ҳиссаси катта.

**Азиз ҲАЙДАРОВ,**  
**терма жамоа ярим ҳимоячиси:**

— Ўйин жуда қийин бўлди. Буни

| № | Жамоа         | Ў | О  |
|---|---------------|---|----|
| 1 | Эрон          | 7 | 17 |
| 2 | Жанубий Корея | 7 | 13 |
| 3 | Ўзбекистон    | 7 | 12 |
| 4 | Сурия         | 7 | 8  |
| 5 | Хитой         | 7 | 5  |
| 6 | Қатар         | 7 | 4  |

ҳамма кўрди. Рақиб билан кучимиз тенг эди. Лекин бизга галаба керак эди. Мен мухлислардан натижага эътибор беришларини сўрадим. Биз уч очко олдик. Энг муҳими — шу.

Бу ўйинда ҳаммамиз бирлашдик. Мухлислар, мураббийлар, футболчилар... Бу халқимиз интизорлик билан кутган муҳим галабамизни таъминлашга хизмат қилди.

**Сервер ЖЕПАРОВ,**  
**терма жамоа ярим ҳимоячиси:**

— Бугун биз бор кучимизни сарфладик. Бунга ўтган турдаги мағлубиятимиз ҳам сабаб бўлди. Ўйинимизни кўриш учун минглаб ишқибозлар келди ва улар кўз ўнгига галаба қозонишимиз керак эди.

Кейинги турда Эрон билан ўйнаймиз. Мухлисларнинг ҳам, футболчиларнинг ҳам руҳи баланд. Бу ўйинда албатта галаба қозонамиз.

**Темур АЪЗАМ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Реклама

# ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ  
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.  
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.  
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

## БИЗНЕС ҒОЯНГИЗГА КРЕДИТ КЕРАКМИ?

«Ўзмиллибанк» Ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тақлиф қилади

| Кредит линияси                                 | Мин/максимал                                       | Кредит шартлари                                                                                            |
|------------------------------------------------|----------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Корея Эксимбанкнинг кредит линияси             | 100 минг АҚШ долларидан бошлаб                     | Хом ашёни қайта ишлаш учун Кореядан ускуналар харид қилиш. Кредит мuddати: 5 йилгача                       |
| Хитой Давлат Таракқиёт Банкнинг кредит линияси | 100 минг АҚШ долларидан бошлаб                     | Хитойда ишлаб чиқарилган ускуналарнинг улуши қамда 50 фоизни ташкил этиши лозим. Кредит мuddати: 5 йилгача |
| Коммерцбанк кредит линияси (Германия)          | 500 минг АҚШ долларини ёки 500 минг Евродан бошлаб | Германияда ишлаб чиқарилган ускуналарни харид қилиш учун. Кредит мuddати: 7 йилгача                        |

**Биз сизга ҳамкор ва мададкор!**  
Мурожаат учун телефонлар:  
«Ўзмиллибанк» — (0 371) 235-17-02, 234-45-33  
Жамғарма — (0 371) 244-35-29, 244-35-60.

Гувоҳнома №760

Реклама

## MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

## TAHIR HAY'ATI:

|                   |                        |                                      |
|-------------------|------------------------|--------------------------------------|
| Hotamjon KETMONOV | Muslihiddin MUHIDDINOV | Farrux HAMROYEV                      |
| Ulug'bek VAFOYEV  | Ochilboy RAMATOV       | (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) |
| Rustam KAMILOV    | Saidahmad RAHIMOV      | Tat'yana KISTANOVA                   |
| Saidkamo XODJAYEV |                        | (Bosh muharrir o'rinbosari)          |

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338  
17657  
nuxxada  
bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 22:20  
Topshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narsada

Navbatchi:

Faxriddin PARPIEV

Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 4 5 6